

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.АКБАРОВ	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида	83
ТИЛШУНОСЛИК	
А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларида бири	88
М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили	91
Ҳ.ЗАКИРОВА	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини	94
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Б.УМУРЗАҚОВА	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари	97
А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортнинг назарий асослари	100
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
М.НАЗАРОВ	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида	103
Ш.ЖУМАНИЯЗОВ	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси	105
А.АБДУХАЛИМОВ	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари	109
И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни	112
А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли	114
С.СОДИҚОВ	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови	116
А.САБИРДИНОВ	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар	119
Д.ХУСЕНОВА	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар	121
В.ГИЁСОВА	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида	124
М.ШОКИРОВА	
“Спорт” семали бирликлар хусусида	127
А.АСИМОВ	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш	129
Д.ҚАМБАРОВА	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати	133
Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентриқ таҳлили	135
М.ДИЛБАРЖОНОВА	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида	138
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъат машғулотида орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси	140
Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги	142
М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули	145
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	147

“СПОРТ” СЕМАЛИ БИРЛИКЛАР ХУСУСИДА

М.Шокирова

Аннотация

«Спорт» архисемали лексемалар турли тилларда ўзига хос ўрин тутади. Ушбу мақолада «спорт» семали атамалар доирасида от ва феъл лексемалар билан бирга, уларнинг валент хусусиятларини очувчи «белги» архисемали лексемаларнинг ҳам аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

Лексемы с архисемой «спорт» имеют особое место в разных языках. Наряду с лексемами имени существительного и глагола в рамках терминов с семой «спорт», в статье речь также ведется о значении лексем с архисемой «белги» («знак»), раскрывающих их валентные свойства.

Annotation

“Sport” lexemes have special place in each language which is different. This article talks about the sport lexemes and their values and specials as like noun and verb in language sector.

Таянч сўз ва иборалар: архисема, лексема, спорт анжомлари, ҳаракат феъллари, лингвокультурология.

Ключевые слова и выражения: лексема, архисема, спортивные атрибуты, глаголы движения, лингвокультурология.

Keywords and expressions: archiseme, lexeme, sport equipment, action verbs, linguaculturology.

Биз тадқиқ қилаётган “спорт” архисемали лексемаларнинг ҳар тарафлама жиҳатларини ўрганиш семасиология соҳасига аслий тааллуқли бўлиб, ушбу мақоланинг мазмуний негизини ташкил этади. “Спорт” семали лексемаларнинг қиёсий жиҳатларини ўрганиш асносида уларнинг лингвокультурологик жиҳатларига тўхталмай иложимиз йўқ. Бу орқали тадқиқ этилаётган тилларда ҳам спорт семали лексемаларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли томонларини, хусусан, шу тил эгаси бўлмиш халқнинг ўзига яраша маданияти ва менталитетини кўрсатишга ҳаракат қилинади.

Ушбу мақолада ўзбек, француз, инглиз каби тилларда спорт семали лексемаларнинг лингвокультурологик жиҳатларини таҳлил қилиб, бу орқали тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлигини тасвирлаш, ўзбек, француз, инглиз тилларидаги спорт семали лексемаларнинг мавзу жиҳатидан бир-бирига ўхшаш томонларини кўриб чиқиш, улардаги менталитет ва миллий характернинг ифодаланиши каби масалаларга мазмуний майдон асосида чуқурроқ ёндашишга ҳаракат қиламиз.

Тил ҳар бир миллатнинг маданияти, қадриятлари ва эътиқодини, умуман халқнинг ўзига хос жиҳатларини ифодалашда энг муҳим омил эканини ҳамма эътироф этади. Шу ўринда қуйидаги фикрни келтириб ўтмоқчимиз: “*Cultural factors are deeply interwoven with the language, and thus are morphologically and structurally reflected in the forms of the language*” [1.], яъни бирор халқнинг тилини ўрганишда унинг маданиятини ҳам ўрганиш муҳим. Чунки тил ва маданият бир-бирига боғлиқ равишда ривожланган идентифик системадир.

Тилшунос олимларнинг баъзилари спорт семали лексемаларни ўрганишда бевосита тилни ва ўша халқнинг маданиятини ўрганиш табиий ҳол деб ҳисоблайдилар. Лекин тилда мавжуд бўлган лексема ана шу халқнинг турмуш тарзидан, яъни халқ тилидан келиб чиқади. Бу, бевосита биз тадқиқ қилаётган “спорт” семали лексемаларга ҳам тегишли. Спорт семаси орқали халқнинг маданияти ҳам акс эта олади. Бу ўринда французча ва ўзбекча спорт семали лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятларини кўриб чиқиб, уларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонлари ўрганилади. Шу сабабли, юқорида келтирилган назарий фикрларга асосланган ҳолда бир қанча ўзбек, француз ва инглиз тилларидаги спорт семали лексемаларни семантик таҳлил қилиб, келтирилган фикрларимизни исботлашга ҳаракат қиламиз.

Айтиш жоизки, “спорт” лексемасини вербаллаштирадиган лексик бирликлар устида бир қатор таҳлиллар олиб борганмиз. Одатга кўра, лексема структурасида ядро [2.654] ва периферия [3.] (яқин ва узоқлик ҳолати) мавжудлиги бор. Материалнинг таҳлилий процедураси

1-босқич – ўрганилаётган лексеманинг таърифланиши;

2-босқич – тилда калит сўзнинг белгиланиши;

3-босқич – синонимлар, калит сўздаги деривативларнинг таҳлилий орқали қўшимча лексемик маъноларнинг аниқланиши каби бир неча босқичлар асосида ўтади.

“Спорт” лексемасининг феъл сўз

М.Шокирова – ФарДУ немис ва француз тиллари кафедраси катта ўқитувачиси.

туркумига мансуб компонентларини семантик майдон ядроси асосида, инглиз тилида куйидагиларни ташкил этади: “*to do sport спорт билан шуғулланмоқ*”, “*to do activities of sport спорт машқларини бажармоқ*”, “*to do sport tasks спорт машғулоти йтамоқ*”, “*to go with sport always доим спорт билан бўлмоқ*”[4]. Француз тилида “бажармоқ”, “қилмоқ”, “шуғулланмоқ” маъносини *faire* феъли билан келадиган иборалар акс эттиради. Бунда, “спорт” лексемасининг феъл сўз туркумига мансуб репрезентантлари ядро майдонининг аниқланиши муҳим масаладир. Чунки, ядро феълларнинг лексик-семантик хусусиятлари ўзаро боғланган системани кўрсатади, спортга оид феълларни *адекват* даражада интерпретация қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Сабаби, феъл сўз туркумига мансуб бу репрезентантлар ўрганилаётган лексеманинг перифериясини эгаллайди.

“Спорт” лексемаси, юқорида таъкидланганидек, ўзбек тилидаги “бажармоқ”, “қилмоқ” маъноларини англатувчи феъллар инглиз тилида “*to do*”, француз тилида “*faire*” семаси орқали *лексема ядросини* ташкил қилади.

Лексемик белгиларни аниқлаш учун “*to do*” феълнинг яқин периферияларини кўздан кечириб чиқишга тўғри келади. Таҳлил ва ўрганишлар натижасида бу лексема иккита семага эга эканлиги тасдиқланди:

1) маълум тезликда ҳаракатланмоқда *to do acts by running – faire les acts par courir*,

2) бажармоқ, қилмоқ: *I do sport, I run every morning – je fais le sport, je cours chaque matin*.

Шунингдек, “спорт” лексемасининг мавжуд семаларидан ташқари синоним сўзлар орқали ҳам репрезентацияси кўриб чиқилган бўлиб, улар жуда кенг қамровли эканлиги тасдиқланди. Француз тилидаги «*faire*» - *бажармоқ* феъли билан келувчи фразалар фикримизни тўлдиролди:

“*Faire le gym*”: ўзбек тилида – машқ бажармоқ (гимнастика). Мисол: «*Elle fait le gym*

au stade, toute seule – У стадионда машқ қилди». Бунда *гимнастика қилиш* деса ҳам бўлади.

Ўзбек ва француз тилларида спорт анжомлари номи ва уларнинг ишлатилиш ўрни икки тилда умумий ва хусусий ҳолда келади.

Масалан: “*Le ballon – тўп, копток*”. Француз тилининг изоҳли луғати бўлмиш *Le petit Larousse* да ушбу лексема таърифи шундай келтирилади: “*Le ballon est un objet de forme sphérique, généralement composée d’une vessie gonflé d’air et recouverte de cuir ou de plastique et servant à jouer. Mais le ballon rond disponible qui utilise au football*” – тўп бу – сферик, яъни ҳавога тўлдирилган нарса. Умумий маънода пластикдан, чармдан ёки резинадан ясалган ўйин пайтида хизмат қиладиган нарсалар. Лекин футбол тўпи “юмалоқ тўп”, деб юритилади. Сабаби, юм-юмалоқдир”. Мазмуний майдон жиҳатидан спортнинг бир неча турларида ишлатиладиган бу анжом спорт архисемали лексемалар семантик таҳлилида муҳим ўрин тутди. “*le ballon*” семаси таркибида инглиз тилида қўлланиладиган “*ball*” семемаси бор. Биргина, -оп қўшимчаси қўшилиши икки тилнинг фарқли жиҳатини кўрсатмоқда. Француз ва инглиз тиллари роман-герман тиллар оиласига мансублиги жиҳатидан лисоний талаффуз ва хусусийлик мавжуд.

Юқорида тиллардаги миллий ва замонавий спортга оид лингвистик бирликларни семантик майдонда ўрганиш, «спорт» архисемали лексемаларнинг узвий (компонент) таҳлили ҳамда уларнинг валент хусусиятларини ёритиш – ҳар икки тилдаги масалаларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини очишга ҳаракат қилинди. Спорт тушунчасини тилшунослик нуқтаи назаридан, инсоннинг тилга таъсири натижасида тилимизда рўй бераётган ўзгаришларни, глобаллашиб бораётган дунёда муҳим ўрин тутиб келаётган мазкур соҳанинг таъсири натижасида юз бераётган тилимиздаги янги жараёнларни ўрганиш ва уларни семантик майдонда таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. – Т.: Шарқ, 2010.
2. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фанл.докт... дисс. Тошкент, 1999.
3. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. – Т. Фан 2007.
4. Нурмонов. А Лингвистик белги назарияси. – Т.: Фан, 2008.
5. Le Petit Larousse. Paris CEDEX 1982.
6. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдишлари ва йўналишлари. – Т.: Таълим, 2009.

Ҳаволалар:

[1] http://google.com/culture_and_language/

[2] Энциклопедик луғат: тилшуносликда “Ядро”. 654 б.

[3] E-lug’at: Periphery, peripherie, periferiya. P harfi. Google search/

[4] 1) Inglizcha-o’zbekcha e-lug’at. 2) Fransuzcha-o’zbekcha lug’at. Т.:2008

[5] Le Petit Larousse. Page-435

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)